

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

“Жиноят хуқуқи ва криминология” кафедраси

КУРС ИШИ

МАВЗУ: Ҳарбий мансабдорлик жиноялари

Бажарди: “З-хуқуқ”, З-курс, Б-поток, 2-
гуруҳ талабаси Рахматов
Ровшан

Тошкент – 2011

МАВЗУ: ҲАРБИЙ МАНСАБДОРЛИК ЖИНОЯЛАРИ

РЕЖА:

КИРИШ

**1. ҲОКИМИЯТНИ СУИИСТЕММОЛ ҚИЛИШ, ҲОКИМИЯТ
ВАКОЛАТИДАН ТАШҚАРИГА ЧИҚИШ ЁКИ ҲОКИМИЯТ
ҲАРАКАТСИЗЛИГИ**

2. ХИЗМАТГА СОВУҚОНЛИК БИЛАН ҚАРАШ.

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБЁТЛАР РҮЙХАТИ

КИРИШ

Республикамизда бошқа соҳаларда изчил давом этаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш баробарида ёш мустақил давлатимизнинг мудофаа қобилияти ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилиб ва ўзининг маънавий ҳамда интеллектуал қадриятларини тиклаш, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришларни амалга ошириш йўлига ўтиб, ҳуқуқий-демократик давлат барпо этмоқда. Ўтказилаётган демократик ислоҳотларни амалда рўёбга чиқаришда жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлаш ва давлатнинг пухта хавфсизлигини таъминлаш мамлакатимиз учун долзарб масалалардан биридир.

Юқоридагиларни назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг teng ҳуқуқли субъекти сифатида ўзининг мудофаа сиёсатини барча мамлакатларнинг тинч-тотув яшashi, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, уларнинг мустақиллигини, шунингдек давлатлараро таркиб топган чегараларнинг бузилмаслиги ва ўзгармаслигини хурмат қилиш принципларига асослайди.

Ўзбекистон халқаро муносабатларда тинчликсеварлик йўлидан борар экан, айни чоғда ўз фуқароларининг ҳаёти ва қадр-қимматини химоя қилиш вазифасини ўз зиммасига олади, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига биноан ўзини ўзи мудофаа қилишдек ажралмас ҳуқуқини амалга ошириб, давлатнинг ҳарбий құдрати ва мудофаа қобилияти оқилона зарурат даражасида бўлишини таъминлайди.

Давлатнинг ҳар томонлама барқарор ва тадрижий ривожланишида ҳарбий сиёsat стратегик аҳамият касб этади. Ҳарбий сиёsatнинг қанчалик түғри йўлга қўйилганлиги бу соҳадаги давлат органларининг мўътадил фаолияти, юксак мудофаа қобилият ва ҳарбий куч-құдратга эгалиги билан белгиланади.

Кўп афсуски, жиноят деган салбий ижтимоий ҳодиса бу соҳани ҳам четлаб ўтмаяпти. Бу эса, ўз навбатида, ҳарбий сиёсатнинг самарадорлигига, пировардида эса, давлатнинг мудофаа қобилияти ва жанговар шайлигига жиддий путур етказади. Бу ерда давлатнинг жиноятчиликка қарши курашиш механизми ҳаракатга келади. Яъни, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунлари, бошқа қонун хужжатларининг нормалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиқлаган умумҳарбий низомлар ва уларга асосан бериладиган командирлар ва бошлиқларнинг буйруқлари билан мустаҳкамлаб қўйилган ҳарбий-хизмат муносабатлари маҳсус жиноят-ҳукуқий нормалар орқали муҳофаза қилинади.

1. ҲОКИМИЯТНИ СУИИСТЕММОЛ ҚИЛИШ, ҲОКИМИЯТ ВАКОЛАТИДАН ТАШҚАРИГА ЧИҚИШ ЁКИ ҲОКИМИЯТ ҲАРАКАТСИЗЛИГИ

Ҳарбий мансабдорлик жиноятлари ҳарбий бошқарув органларининг Қуролли Кучлар салоҳиятини мустаҳкамлаш манфаатларига мос келувчи фаолиятига, ҳарбий бошлиқ ва мансабдор шахслар учун белгиланган хизмат вазифаларини амалга ошириш тартибига тажовуз қиласи.

Ҳарбий мансабдорлик жиноятларининг субъектлари ҳарбий бошлиқлар ва бошқа мансабдор шахслар бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат низомига мувофиқ бошлиқ хизмат мавқеи (лавозими)га ва ҳарбий унвонига кўра бўлиши мумкин. Ҳарбий мансабдор шахсларнинг намунавий рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат низомида, Интизом низомида, Гарнizon ва қоровул хизмати низомида ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган.

Бошқа ҳарбий хизматчилар ҳам, агар улар бошлиқ бўлмай туриб, муайян ташкилий-фармойиш бериш ёки маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган лавозимларни доимий ёки вақтинча эгаллаб турса, ёки бу вазифаларни қўмондонликнинг маҳсус фармойиши бўйича бажарса, мансабдор шахс бўлиши мумкин. Ушбу вазифаларни бажариш учун ҳарбий хизматчиларга юридик аҳамиятга эга ҳаракатлар содир эта олиши билан боғлиқ тегишли ваколатлар берилади.

Мансабдор шахс - ташкилий-бошқарув ёки маъмурий хўжалик ваколатлари берилган ва масъул мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс. Демак, таърифдан кўриниб турибдики, мансабдор шахс тушунчаси учта мажбурий элементдан ташкил топган.

Биринчиси, ташкилий-бошқарув, яъни маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, режалаштириш, кадрларни танлаш, назоратчилик ишларини олиб борувчи ишларга раҳбарлик қиласидиган ваколатли шахслар.

Иккинчиси, маъмурий хўжалик, яъни давлат ёки жамоат мулкини

бошқарувчи, тақсимловчи, шунингдек савдо, молия ва шунга ўхшаш соҳаларга раҳбарлик қилувчи ваколатли шахслар.

Учинчиси, масъул мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаганлик. Бунинг учун ЖКнинг «Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси» бўлимига мурожаат қилиб, масъул мансабдор шахснинг ўзи қандай белгиларга эга эканлигини аниқлашимиз лозим. Яъни, унга кўра, масъул мансабдор шахс:

- 1) ҳокимият вакиллари;
- 2) давлат корхонаси, муассасаси ёки ташкилотларида сайлаш ёки тайинлаш бўйича доимий ёхуд вақтинча ташкилий бошқарув ёхуд маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаб турган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар;
- 3) мулкчиликнинг бошқа шаклларидағи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, давлат бошқаруви юзасидан белгиланган тартибда ҳокимият ваколати берилган жамоатчилик вакиллари;
- 4) иккинчи бандда назарда тутилган вазифаларни фуқароларнинг ўзини- ўзи бошқариш органларида бажариш билан боғлиқ мансабларни эгалловчи шахслар ҳисобланади.

Бу ўринда, «mansabдорлик жиноят қонунлари ҳарбий мансабдорлик жиноятлари билан таққосланганида ҳам номувофиқликни кўриш мумкин. Жумладан, ҳарбий мансабдорлик жиноятларида оддий мансабдор шахсларни тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки ҳарбий тизимнинг хусусий тизими йўқ. Шундай экан ҳарбий мансабдор шахсларнинг барчасини масъул мансабдор шахслар қаторига қўшишга тўғри келиши керак»¹ деган баъзи фикрлар ҳам мавжуд.

Мансабдорлик жиноятларининг муҳим хусусиятларидан бири шуки, бу жиноятларнинг ташкилотчиси фақат мансабдор шахс, жиноят қолган иштирокчилари эса ҳам мансабдор шахс, ҳам мансабдор бўлмаган шахс

¹ ТДЮИ илмий мақолалари тўплами. Б. Ахроров «Мансабдор ва масъул мансабдор тушунчаларини фарқлаш хусусиятлари ва ҳуқуқий моҳиятлари» -116-бет

бўлиши мумкин².

Ҳарбий мансабдорлик жиноятларининг ижро чилиари сифатида фақат бошлиқлар ва мансабдор шахслар, иштирокчилари эса - бошқа шахслар ҳам бўлиши мумкин.

Ҳарбий мансабдорлик жиноятларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уни содир этишдан келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатлар, баъзан, айбдор томонидан бевосита эмас, балки хизмат бўйича унга тобе шахслардан фойдаланиш, уларга ноқонуний буйруқ бериш орқали етказилиши мумкин. Бундай буйруқни қасдан берган мансабдор шахс ноқонуний буйруқни ижро этиш натижасида келиб чиқсан оқибатлар учун жавоб беради. Бундай ҳолда унинг хатти-ҳаракати шахсан ўзи содир этгани сингари мансабдорлик жинояти сифатида, агар оқибатларнинг ўзи мустақил жиноятни ташкил этса, қилмишлар мажмуи билан тавсифланиши лозим.

Мансабдор шахснинг нотўғри ҳаракатлари билан у содир этган жиноят оқибатлари ўртасида сабабий боғланиш борлиги аниқланган бўлиши керак.

Мансабдорлик жиноятларига қарши нормалар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг XXIV бобида жамланган. Чунончи, ЖКнинг 301-моддасида ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги учун жавобгарлик назарда тутилган; ЖКнинг 302-моддасида хизматга совуққонлик билан қараш учун жавобгарлик белгиланган.

Ҳокимиятни ёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш – бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг қасдан ўз хизмат мавқеидан ҳарбий хизмат манфаатларига зид мақсадларда фойдаланишидир.

Ҳокимиятни ёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш мансабдор шахс томонидан унинг ўз ваколатларини бузишида ифодаланиши мумкин, аммо бу ҳаракатлар айбдор зиммасига хизмат юзасидан юклатилган у ёки бу муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Бироқ, барча ҳолларда ҳам шахс мазкур хатти-ҳаракатларни фақат

² Б. А. Ахров. Пора олганлик учун жавобгарлик. – 39 – бет, ТДЮИ 2003

ўзи эгаллаб турган хизмат мавқеига кўра содир этган бўлиши ва бу хатти-ҳаракатлар ўз моҳиятига кўра хизмат бурчига зид бўлиши шарт.

Хизмат манфаатларига хилоф равишида содир этилган деб, хизмат зарурати тақозо этмаган, хизмат бурчи ва мансаб мажбуриятларини бузадиган, қонунлар, ҳарбий низомлар ва қўмондонлик буйруқларига зид бўлган хатти-ҳаракатлар тушунилиши лозим. Бунда хизмат бўйича юклатилган мажбуриятларнинг мансабдор шахс томонидан бузилишини, унга берилган хуқуқларнинг суиистеъмол қилинишини, ўз фаолиятида қонун талабларидан четга чиқилишини мақсадга мувофиқлик ёки хизмат зарурияти туфайли қилинган деб оқлаб бўлмайди.

Ҳокимият ёки хизмат ваколатидан ташқарига чиқши, мансабни суиистеъмол қилишдан фарқли ўлароқ, қўмондон ёки бошқа мансабдор шахснинг ўзига берилган хуқуқ ва ваколатлар доирасидан қасдан очиқчасига четга чиқадиган ҳаракатларни содир этишида ифодаланади. Ҳокимият ёки хизмат ваколатидан ташқарига чиқиш жумласига мансабдор шахс хизмат юзасидан фақат муайян, айни вақтда мавжуд бўлмаган ҳоллардагина содир этишга ҳақли бўлган ёки юқори лавозимда турган ёхуд маҳсус ваколатли шахс содир этиши лозим бўлган ҳаракатлар ҳам киради.

Шахснинг хизмат мавқеи доирасидан четга чиқишида айборлиги масаласини ҳал этиш чоғида ҳар доим унинг ваколат доирасини аниқлаб олиш мухимдир. Ҳарбий мансабдор шахсларнинг хуқуқ ва ваколатлари қонунлар, уставлар, низомлар ва қўмондонлик буйруқларида аниқ белгилаб кўйилган. Айни пайтда, шуни эътиборга олиш керакки, мансабдор шахс томонидан курол ва бошқа жисмоний зўрлик ишлатилиши, агар бу ҳаракатлар унинг томонидан ўз хизмат мажбуриятларини бажариши ва хизмат юзасидан жабрланувчига нисбатан мавжуд ваколатлар доирасидан четга чиқиши билан боғлиқ бўлган ҳоллардагина ҳокимиятни суиистеъмол қилиш деб баҳоланиши мумкин. Жабрланувчи айборрга тобе ёки айбор ҳокимият вакили бўлганлиги боис унга қарам бўлган ҳолларда муайян ваколатлар мавжуд бўлиши мумкин. Акс ҳолда шахсга қарши жиноят учун

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жавобгарлик юзага келиши мумкин.

Ҳокимият ҳаракатсизлиги - бошлиқ ўз ҳарбий хизмат мажбуриятларига кўра содир қилиши лозим бўлган ҳаракатларни қасдан бажармаганлигидан ифодаланади.

Ҳарбий низомлар, ҳар бир бошлиқ ўзига берилган ҳокимиятдан ҳарбий хизмат манфаатлари, унга ишониб топширилган қисм (бўлинма)нинг жанговар салоҳиятини ошириш, тартиб ва интизомга қатъий амал қилиши йўлида тўлиқ фойдаланиши кераклигини талаб этади. Бошлиқнинг жиноий ҳаракатсизлиги, муайян шароитда ижтимоий хавфли оқибатларни олдини олиш учун қўллаши лозим бўлган чораларни қўлламаслиги ҳарбий хизматга катта зиён етказиши мумкин.

Агар бўлинма қўмондони ўзига тобе шахс бўлинма мулкини ташиб пайтида жанговар ўқларни ўғирлаб, бегона шахсга сотаётганлигини кўратуриб, бунинг олдини олмаса, бу қўмондон жиноий ҳаракатсизлик учун жавобгарликка тортилиши керак.

Бошлиқнинг тобе шахсларга нисбатан уларнинг ноустав ҳаракатларига барҳам бериш учун чора кўрмаслиги ҳам ҳокимият ҳаракатсизлиги деб баҳоланиши лозим.

Ҳокимият ҳаракатсизлиги қасдан қилинадиган хатти-ҳаракат бўлиб, уйнан шу жиҳатдан хизматга совуққонлик билан қарашдан фарқ қиласди. Ҳокимият ҳаракатсизлиги ҳокимият ваколатини суиистеъмол қилишдан шуниси билан фарқ қиласди, бу жиноят бошлиқ фақат ҳокимият ваколати доирасида ва фақат хизмат вазифасига кўра қилиши шарт бўлган ҳаракатни содир этмаслиги шаклида бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир ҳолда бажарилмай қолган ҳаракатларни содир этиш мазкур мансабдор шахснинг ваколатига кириш-кирмаслиги ва бунинг учун унда етарли имконият бўлган-бўлмаганлиги аниқланиши зарур.

Хокимият ёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, хокимият ёки хизмат ваколатидан четга чиқиш ва ҳокимият ҳаракатсизлиги - қасдан содир этиладиган жиноятлар ҳисобланади.

Айбдор мансаб мавқеидан фойдаланиб, содир этаётган ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ҳарбий хизмат манфаатларига зид эканлигини англайди ва айнан шуни содир этишни истайди ёки ўзининг бундай ҳаркатларига бефарк қарайди.

Айбдорнинг оқибатларга - қонунга мувофиқ жиноят таркибининг муқаррар аломати бўлган жиддий заарга муносабати ҳам қасд, ҳам эҳтиёtsизлик шаклида бўлиши мумкин.

Мансабдорлик жиноятига хос жиноий оқибат - жиддий заар бўлиб, у ўз хусусияти ва кўламига кўра кўп миқдорни ташкил этади. Жиддий заар Қуролли Кучлар, алоҳида хизматчилар ва бошқа шахсларга етказилиши ва турлича, ҳам моддий, ҳам моддий бўлмаган муайян тусда намоён бўлиши мумкин. Жиноят тугалланган деб тан олиниши учун заар амалда етказилган бўлиши шарт.

Жиддий заар сифатида, жумладан, содир этилган жиноят туфайли бўлинмада (қисмда) ҳарбий интизомга путур етиши, жанговар топшириқнинг, ўқув отишмаларининг, ишларнинг барбод бўлиши ҳарбий мулкка зиён етказиш ёки уни йўқ қилиш, жиддий моддий заар етказиш, ҳарбий хизматчилар ва бошқа шахсларнинг шахсий ёки мулкий ҳуқуқларининг бузилиши кабилар тан олинади. Жиддий заар тушунчалик ўз ичига ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиш жинояти учун хос бўлган жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига етказилган заарни ҳам олади. Қасдан одам ўлдириш ёки қасдан баданга оғир шикаст етказиш сифатида етказилган заар ҳокимият ёки хизмат ваколатидан четга чиқиш жинояти алматларидан ташқарига чиқади ва оғирроқ жиноят сифатида мустақил таснифлашни тақозо этади.

Хизматга совуққонлик билан қараш - мансабдор шахснинг ўзига юклатилган мажбуриятларни бепарволиги ёки вижданан муносабатда бўлмаслиги оқибатида умуман ёки лозим даражада бажармаслигидан иборат.

Мажбуриятларни лозим даражада бажармаслик уларнинг юзаки, иштиёқсиз, эътиборсизлик билан, ўйламасдан ва керакли гайрат, ташаббуссиз бажарилишида намоён бўлади. Бу кўринишдаги хизматга совуққонлик билан қараш ҳарбий мансабдор шахснинг унга ишониб топширилган ҳарбий мулкка лоқайд муносабатда бўлиши оқибатида мазкур мулкнинг нобуд бўлиши ёки унга шикаст етиши, моддий бойликлардан фойдаланишда ҳисоб-китоб ва назоратнинг етарлича бўлмаганлиги ёки уларни сақлаш ёмон ташкил этилганлиги сабабли талон-торож ёки камомад келиб чиқиши, қўмондон бўлинмада ҳарбий тартиб ўрнатиш учун тегишли чора-тадбирлар кўрмаганлиги туфайли тобе шахслар томонидан интизомнинг кўпол бузилиши ёки қўмондонлик берган топширикларнинг бажарилиши барбод бўлиши кабиларда намоён бўлади.

Хизматга совуққонлик билан қараш мансабдорлик жинояти бўлиб, мансабдор шахс томонидан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳаракатлар унинг хизмат ваколатига тегишли бўлишини, лавозими бўйича унинг зиммасига юклатилган мажбуриятлар доирасига кирган бўлишини тақозо этади.

Мансабдор шахс у ёки бу мажбуриятларни ўз хизмат бурчи туфайли бажариши нафақат шарт бўлган, балки уни лозим даражада бажариш мумкин ва бунинг учун реал имкониятга эга бўлган ҳолдагина хизматга совуққонлик билан қараш учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Агар мансабдор шахс ўз хизмат вазифаларини лозим даражада амалга ошириш учун етарли имкониятга эга бўлмаган шароитга тушиб қолган бўлса, хизматга совуққонлик билан қараш учун жавобгарлик истисно этилади.

Бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз ҳокимият ёки хизмат мавқеини сунистельмол қилиши, ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан

четга чиқиши, шунингдек ҳокимият ҳаракатсизлиги учун жиноий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 301-моддасида назарда тутилган

Ҳарбий бошқарув органларининг нормал фаолияти, уларнинг нуфузи, ҳарбий бошлиқлар ва мансабдор шахслар томонидан хизмат ваколатларини амалга оширишнинг ўрнатилган тартиби, одамларнинг ҳаёти ва соғлиги Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 301-моддасида назарда тутилган **жиноятнинг объекти ҳисобланади.**

Объектив томондан ушбу жиноят, Қуроли Кучларнинг манфаатларига, ҳарбий хизматчи ёки бошқа фуқароларнинг ҳукуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда зарап ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлган:

- ⦿ бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз ҳокимият ёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилиши;
- ⦿ ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиши;
- ⦿ ҳокимият ҳаракатсизлиги йўли билан содир этилади.

Ҳокимиятни ёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилиши бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг қасдан ўз хизмат мавқеидан ҳарбий хизмат манфаатларига зид мақсадларда фойдаланишидир. Ҳокимиятни ёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш мансабдор шахс томонидан унинг ўз ваколатларини бузишида ифодаланиши мумкин, аммо бу ҳаракатлар айборд зиммасига хизмат юзасидан юклатилган у ёки бу муайян ҳукуқ ва мажбуриятларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Бироқ, барча ҳолларда ҳам шахс мазкур хатти-ҳаракатларни факат ўзи эгаллаб турган хизмат мавқеига қўра содир этган бўлиши ва бу хатти-ҳаракатлар ўз моҳиятига қўра хизмат бурчига зид бўлиши шарт.

Хизмат манфаатларига хилоф равишда содир этилган деб, хизмат зарурати тақозо этмаган, хизмат бурчи ва мансаб мажбуриятларини бузадиган, қонунлар, ҳарбий низомлар ва қўмондонлик буйруқларига зид бўлган хатти-ҳаракатлар тушунилиши лозим. Бунда хизмат бўйича

юклатилган мажбуриятларнинг мансабдор шахс томонидан бузилишини, унга берилган ҳукуқларнинг суиистеъмол қилинишини, ўз фаолиятида қонун талабларидан четга чиқилишини мақсадга мувофиқлик ёки хизмат зарурияти туфайли қилинган деб оқлаб бўлмайди⁸⁶.

Ҳокимият ёки хизмат ваколатидан ташқарига чиқиш, мансабни суиистеъмол қилишдан фарқли ўлароқ, қўмондон ёки бошқа мансабдор шахснинг ўзига берилган ҳукуқ ва ваколатлар доирасидан қасдан очиқчасига четга чиқадиган ҳаракатларни содир этишида ифодаланади. Ҳокимият ёки хизмат ваколатидан ташқарига чиқиш жумласига мансабдор шахс хизмат юзасидан фақат муайян, айни вақтда мавжуд бўлмаган ҳоллардагина содир этишга ҳақли бўлган ёки юқори лавозимда турган ёхуд махсус ваколатли шахс содир этиши лозим бўлган ҳаракатлар ҳам киради.

Шахснинг хизмат мавқеи доирасидан четга чиқишида айборлиги масаласини ҳал этиш чоғида ҳар доим унинг ваколат доирасини аниқлаб олиш муҳимдир. Ҳарбий мансабдор шахсларнинг ҳукуқ ва ваколатлари қонунлар, уставлар, низомлар ва қўмондонлик буйруқларида аниқ белгилаб қўйилган. Айни пайтда, шуни эътиборга олиш керакки, мансабдор шахс томонидан курол ва бошқа жисмоний зўрлик ишлатилиши, агар бу ҳаракатлар унинг томонидан ўз хизмат мажбуриятларини бажариши ва хизмат юзасидан жабрланувчига нисбатан мавжуд ваколатлар доирасидан четга чиқиши билан боғлик бўлган ҳоллардагина ҳокимиятни суиистеъмол қилиш деб баҳоланиши мумкин. Жабрланувчи айбордга тобе ёки айбор ҳокимият вакили бўлганлиги боис унга қарам бўлган ҳолларда муайян ваколатлар мавжуд бўлиши мумкин. Акс ҳолда шахсга қарши жиноят учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жавобгарлик юзага келиши мумкин⁸⁷.

⁸⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2000 йил 15 сентябрда қабул қилган «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сон Қарор, 4.2-б. // ЎзР Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги Қарорлари. – 81-бет.

⁸⁷ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2000 йил 15 сентябрда қабул қилган «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича

Хокимият ҳаракатсизлиги бошлиқ ўз ҳарбий хизмат мажбуриятлариға кўра содир қилиши лозим бўлган ҳаракатларни қасдан бажармаганлигидаги ифодаланади.

Ҳарбий низомлар, ҳар бир бошлиқ ўзига берилган ҳокимиятдан ҳарбий хизмат манфаатлари, унга ишониб топширилган қисм (бўлинма)нинг жанговар салоҳиятини ошириш, тартиб ва интизомга қатъий амал қилиш йўлида тўлиқ фойдаланиши кераклигини талаб этади. Бошлиқнинг жиноий ҳаракатсизлиги, муайян шароитда ижтимоий хавфли оқибатларнинг олдини олиш учун қўллаши лозим бўлган чораларни қўлламаслиги ҳарбий хизматга катта зиён етказиши мумкин.

Масалан, бўлинма қўмондони ўзига тобе шахс бўлинма мулкини ташиб пайтида жанговар ўқларни ўғирлаб, бегона шахсга сотаётганлигини кўра туриб, бунинг олдини олмаса, бу қўмондон жиноий ҳаракатсизлик учун жавобгарликка тортилиши керак.

Бошлиқнинг тобе шахсларга нисбатан уларнинг ноустав ҳаракатлариға барҳам бериш учун чора қўрмаслиги ҳам ҳокимият ҳаракатсизлиги деб баҳоланиши лозим.

Ҳокимият ҳаракатсизлиги қасдан қилинадиган хатти-ҳаракат бўлиб, уйнан шу жиҳатдан хизматга совуққонлик билан қарашдан фарқ қиласди. Ҳокимият ҳаракатсизлиги ҳокимият ваколатини суиистеъмол қилишдан шуниси билан фарқ қиласди, бу жиноят бошлиқ фақат ҳокимият ваколати доирасида ва фақат хизмат вазифасига кўра қилиши шарт бўлган ҳаракатни содир этмаслиги шаклида бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир ҳолда бажарилмай қолган ҳаракатларни содир этиш мазкур мансабдор шахснинг ваколатига кириш-кирмаслиги ва бунинг учун унда етарли имконият бўлган-бўлмаганлиги аниқланиши зарур⁸⁸.

суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сон Қарор, 4.3-б. // ЎзР Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги Қарорлари. – 82-бет.

⁸⁸ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2000 йил 15 сентябрда қабул қилган «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сон Қарор, 4.4-б. // ЎзР Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги Қарорлари. – 82-83-бетлар.

Қуролли Кучларнинг манфаатларига, ҳарбий хизматчи ёки бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига кўп микдорда зарар ёки жиддий зиён етказиш кўринишидаги оқибатлар рўй берган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 301-моддасида назарда тутилган жиноят *тамом бўлган* деб топилади. Ҳокимият ёки хизмат мавқенини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиш, ҳокимият ҳаракатсизлиги ва рўй берган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 301-моддасида назарда тутилган жиноят объектив томонининг муқаррар белгиси ҳисобланади.

Мансабдорлик жиноятига хос жиноий оқибат *жиддий зарар* бўлиб, у ўз хусусияти ва кўламига кўра кўп микдорни ташкил этади. Жиддий зарар Қуролли Кучлар, алоҳида хизматчилар ва бошқа шахсларга етказилиши ва турлича, ҳам моддий, ҳам моддий бўлмаган муайян тусда намоён бўлиши мумкин. Жиноят тугалланган деб тан олиниши учун зарар амалда етказилган бўлиши шарт.

Жиддий зарар сифатида, жумладан, содир этилган жиноят туфайли бўлинмада (қисмда) ҳарбий интизомга путур етиши, жанговар топшириқнинг, ўқув отишмаларининг, ишларнинг барбод бўлиши ҳарбий мулкка зиён етказиш ёки уни йўқ қилиш, жиддий моддий зарар етказиш, ҳарбий хизматчилар ва бошқа шахсларнинг шахсий ёки мулкий ҳуқуқларининг бузилиши кабилар тан олинади.

Жиддий зарар тушунчаси ўз ичига ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиш жинояти учун хос бўлган жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни ҳам олади. Қасдан одам ўлдириш ёки қасдан баданга оғир шикаст етказиш сифатида етказилган зарар ҳокимият ёки хизмат ваколатидан четга чиқиш жинояти аломатларидан ташқарига чиқади ва оғирроқ жиноят сифатида мустақил таснифлашни тақозо этади⁸⁹.

⁸⁹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2000 йил 15 сентябрда қабул қилган «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сон Қарор, 4.5-б. // ЎзР Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги Қарорлари. – 83-бет.



Субъектив томондан ҳокимият ёки хизмат мавқеини суистеъмол

қилиш, ҳокимият ёки хизмат ваколатидан четга чиқиш ва ҳокимият ҳаракатсизлиги қасддан содир этиладиган жиноятлардир. Айбдор мансаб мавқеидан фойдаланиб, содир этаётган ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ҳарбий хизмат манфаатларига зид эканлигини англайди ва айнан шуни содир этишни истайди.

Жиноятни содир этиш сабаби ва мақсади қилмишни таснифлаш учун аҳамиятга эга эмас.

Ҳарбий бошлиқлар ва бошқа мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 301-моддасида назарда тутилган **жиноят субъекти** бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат низомига мувофиқ бошлиқ хизмат мавқеи (лавозими)га ва ҳарбий унвонига кўра бўлиши мумкин. Ҳарбий мансабдор шахсларнинг намунавий рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат низомида, Интизом низомида, Гарнizon ва қоровул хизмати низомида ва бошқа хуқуқий ҳужжатларда келтирилган.

Бошқа ҳарбий хизматчилар ҳам, агар улар бошлиқ бўлмай туриб, муайян ташкилий-фармойиш бериш ёки маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган лавозимларни доимий ёки вақтинча эгаллаб турса, ёки бу вазифаларни қўмондонликнинг маҳсус фармойиши бўйича бажарса, мансабдор шахс бўлиши мумкин. Ушбу вазифаларни бажариш учун ҳарбий хизматчиларга юридик аҳамиятга эга ҳаракатлар содир эта олиши билан боғлиқ тегишли ваколатлар берилади. Ҳарбий мансабдорлик жиноятларининг ижрочилари сифатида фақат бошлиқлар ва мансабдор шахслар, иштирокчилари эса - бошқа шахслар ҳам бўлиши мумкин.

Ҳарбий мансабдорлик жиноятларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уни содир этишдан келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатлар, баъзан, айбдор томонидан бевосита эмас, балки хизмат бўйича унга тобе шахслардан фойдаланиш, уларга ноқонуний буйруқ бериш орқали етказилиши мумкин. Бундай буйруқни қасддан берган мансабдор шахс

ноқонуний буйруқни ижро этиш натижасида келиб чиқсан оқибатлар учун жавоб беради. Бундай ҳолда унинг хатти-ҳаракати шахсан ўзи содир этгани сингари мансабдорлик жинояти сифатида, агар оқибатларнинг ўзи мустақил жиноятни ташкил этса, қилмишлар мажмуи билан тавсифланиши лозим.

Мансабдор шахснинг нотўғри ҳаракатлари билан у содир этган жиноят оқибатлари ўртасида сабабий боғланиш борлиги аниқланган бўлиши керак⁹⁰.

Агар ҳокимиятни суистеъмол қилиш, ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиш ёхуд ҳокимият ҳаракатсизлиги баданга ўртacha оғир ёки оғир шикаст етказиб, содир этилган бўлса, айборнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 301-моддасининг *иккинчи қисми* билан таснифланади.

Ўша қилмишлар:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, айборнинг ҳаракатлари

Ўзбекистон Республикаси ЖК 301-моддасининг *учинчи қисми* билан баҳоланади.

Бошқа оғир оқибатлар деганда икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига ўртacha оғир ёки оғир шикаст етказиш, одамлар ўлимига сабаб бўлиш, ҳалокатлар ва ҳоказоларни тушуниш лозим.

Жанговар вазиятда ҳокимиятни суистеъмол қилиш, ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиш ёхуд ҳокимият ҳаракатсизлиги учун мансабдор шахс бўлган ҳарбий хизматчи Ўзбекистон Республикаси ЖК 301-моддасининг *тўртинчи қисми* бўйича жиноий жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 301-моддасининг биринчи қисмiga мувофиқ, бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз ҳокимият ёки хизмат мавқенини суистеъмол қилиши, ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиши, шунингдек, ҳокимият ҳаракатсизлиги Қуролли Кучларнинг

⁹⁰ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2000 йил 15 сентябрда қабул қилган «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сон Қарор, 4.1-б. // ЎзР Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги Қарорлари. – 79-бет.

манфаатларига, ҳарбий хизматчи ёки бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда зарап ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, -

уч йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар баданга ўртacha оғир ёки оғир шикаст етказиб, содир этилган бўлса, -

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (Ўзбекистон Республикаси ЖК 301-моддасининг иккинчи қисми).

Ўша қилмишлар:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, -

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (Ўзбекистон Республикаси ЖК 301-моддасининг учинчи қисми).

Ушбу моддада назарда тутилган қилмишлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса, -

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (Ўзбекистон Республикаси ЖК 301-моддасининг тўртинчи қисми).

2. ХИЗМАТГА СОВУҚОНЛИК БИЛАН ҚАРАШ

Бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаларига нисбатан пала-партиш ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши туфайли бу вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жиноий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 302-моддасида назарда тутилган.

Мансабдор шахс бўлган ҳарбий хизматчининг ўрнатилган ўз вазифаларини бажариш тартиби Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 302-моддасида назарда тутилган **жиноят объекти** ҳисобланади.

Объектив томондан кўрсатилган жиноят, бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаларига нисбатан пала-партиш ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши туфайли бу вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида кўп микдорда зарар етказилиши ёки бошқа оғир оқибатларда ифодаланади.

Хизматга совуқонлик билан қараш мансабдор шахснинг ўзига юклатилган мажбуриятларни бепарволиги ёки виждонан муносабатда бўлмаслиги оқибатида умуман ёки лозим даражада бажармаслигидан иборат.

Мажбуриятларни лозим даражада бажармаслик уларнинг юзаки, иштиёқсиз, эътиборсизлик билан, ўйламасдан ва керакли ғайрат, ташаббуссиз бажарилишида намоён бўлади.

Бу кўринишдаги хизматга совуқонлик билан қараш ҳарбий мансабдор шахснинг унга ишониб топширилган ҳарбий мулкка лоқайд муносабатда бўлиши оқибатида мазкур мулкнинг нобуд бўлиши ёки унга шикаст етиши, моддий бойликлардан фойдаланишда ҳисоб-китоб ва назоратнинг етарлича бўлмаганлиги ёки уларни сақлаш ёмон ташкил этилганлиги сабабли талон-торож ёки камомад келиб чиқиши, қўмондон бўлинмада ҳарбий тартиб ўрнатиш учун тегишли чора-тадбирлар кўрмаганлиги туфайли тобе шахслар томонидан интизомнинг қўпол бузилиши ёки қўмондонлик берган топширикларнинг бажарилиши барбод бўлиши кабиларда намоён бўлади.

Хизматга совуққонлик билан қараш мансабдорлик жинояти бўлиб, мансабдор шахс томонидан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳаракатлар унинг хизмат ваколатига тегишли бўлишини, лавозими бўйича унинг зиммасига юклатилган мажбуриятлар доирасига кирган бўлишини тақозо этади.

Мансабдор шахс у ёки бу мажбуриятларни ўз хизмат бурчи туфайли бажариши нафақат шарт бўлган, балки уни лозим даражада бажариш мумкин ва бунинг учун реал имкониятга эга бўлган ҳолдагина хизматга совуққонлик билан қараш учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Агар мансабдор шахс ўз хизмат вазифаларини лозим даражада амалга ошириш учун етарли имкониятга эга бўлмаган шароитга тушиб қолган бўлса, хизматга совуққонлик билан қараш учун жавобгарлик истисно этилади⁹¹.

Ўз хизмат вазифаларини бажаришга жиноий совуққонлик билан муносабатда бўлиш унга ишониб топширилган ҳарбий мулкка, мазкур мулкнинг нобуд бўлиши ёки унга шикаст етказилишида, моддий бойликлардан фойдаланишда ҳисоб-китоб ва назоратнинг етарлича бўлмаслиги боис ўғриликлар ёки камомаднинг мавжуд бўлишида, ҳарбий техникадан фойдаланишда, ҳарбий-ўқув машқларини ўтказишда, жанговаротишмаларда, маҳсус машғулотларда ва ҳарбий дала ишларида хавфсизлик қоидаларига риоя этмаслик туфайли одамлар ҳалокати билан боғлиқ баҳтсиз ходисалар рўй беришида ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин⁹².

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 302-моддасида назарда тутилган жиноят кўп миқдорда зарар етказилган ёки бошқа оғир-оқибатлар келиб чиқсан пайтдан бошлаб *тугалланган* ҳисобланади.

Хизматга совуққонлик билан қараш ва кўп миқдордаги зарар етказиш ёки бошқа оғир оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш ушбу жиноятнинг

⁹¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2000 йил 15 сентябрда қабул қилган «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сон Қарор, 4.6-б. // ЎзР Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги Қарорлари. – 82-бет.

⁹² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. – Т., Адолат, 1997. – 372-бет.

муқаррар белгисидир. Бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифалариға нисбатан айнан пала-партиш ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши туфайлигина бу вазифаларни бажармаган ёки лозим даражада бажара олмаган бўлиши керак. Яъни, бу ҳолатда вазифаларни белгиланган тартиб ва даражада бажаришнинг реал имкониятлари мавжуд бўлган ёки бўлмаганлигини аниқлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Агарда бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахс ўз хизмат вазифалариға белгиланган тартибда ёки виждонан муносабатда бўлса, яъни у ўзига боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларни белгиланганидек бажарсада модда диспозициясида кўрсатилган оқибатлар келиб чиққан бўлса, унинг қилмиши қандай квалификация қилинади деган ҳақли савол туғилади. Бизнингча, бундай ҳолатда қилмиш ЖК 302-модда билан квалификация қилинмайди. Чунки, ЖК 40-моддасида шахснинг мансаб вазифаларини қонунан бажариши туфайли заарар етказилган бўлса, жиноят деб топилмаслиги, лекин шахснинг амалда содир этган қилмишида бошқа бир жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлсагина, у жавобгарликка тортилиши тўғрисидаги норма мустаҳкамлаб қўйилган.

Фуқароларнинг соғлиғига зиён етказиш ЖКнинг шахсга қарши жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган тегишли моддалари билан жиноятлар мажмуй бўйича жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Субъектив томондан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 302-моддасида назарда тутилган жиноят фактат эҳтиётсизлик орқасида содир этилади. Хизматга совуққонлик билан қараш айнан шу билан ҳокимият ҳаракатсизлигидан фарқ қиласди.

Мансабдор шахс бўлган ҳарбий хизматчи Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 302-моддасида назарда тутилган **жиноят субъекти** ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 302-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифалариға нисбатан пала-партиш ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши туфайли бу вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги кўп микдорда заарар етказилишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, -

уч йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса, -

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади
(Ўзбекистон Республикаси ЖК 302-моддасининг учинчи қисми).

Х У Л О С А

Хулоса қилиб айтганда, ҳарбий мансабдорлик жиноятлари Хизматга совуққонлик билан қараш мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаларига нисбатан пала-партиш ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши туфайли бу вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигидан иборат.

«Вазифаларини тегишлича бажармаганиги шунда намоён бўладики, улар расман, совуққон ҳолда, тегишлича эътибор, пухталик ва тиришқоқликсиз, керакли тезкорлик ва ташабускорликсиз бажарилади. Бепарволикнинг ушбу шакли ҳарбий мансабдор шахснинг хизмат юзасидан ишониб топширилган мулкига эҳтиётсиз муносабатида ва унинг шикастланиши ёки бузилишига сабаб бўлишида, моддий бойликлар сарфланишининг тегишлича бўлмаган ҳисоби ва назоратида, агар бунинг оқибати ўғирлик ёки камомад бўлса, бошлиқнинг бўлинмада ҳарбий тартибга келтиришнинг тегишли чоралари кўрилмаганлигига, бўйсунувчилар томонидан интизомнинг қўпол бузилишига ёки қўмондонликнинг топшириғи бузилишига сабаб бўлса, ва ҳоказоларда ифодаланади.

Бепарволик мансабдорлик жинояти сифатида мансабдор шахс томонидан унинг хизмат ваколатларига кирувчи, унга эгаллаган лавозими туфайли юклатилган мажбуриятлар доирасига кирувчи хизмат юзасидан ҳаракатларини бажармаганлиги ёки тегишлича бажармаганлигини кўзда тутади.

Мансабдор шахс факат ўз хизмат бурчи юзасидан у ёки бу вазифаларини бажариши лозим бўлган, балки уларни тегишлича тарзда бажаришнинг ҳақиқий имкониятига эга бўлган ҳолдагина бепарволиги учун жавобгар бўлиши мумкин. Агар мансабдор шахс ўзининг хизмат вазифаларини тегишлича амалга оширишнинг ҳақиқий имкониятига эга бўлмаган шароитларда бўлса, у ҳолда бепарволиги учун жавобгарлик истисно этилади».

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ахметшин Х.М., Ахметшин Н.Х., Петухов А.А. Современное уголовное законодательство КНР. М., 2000.
2. Бакиров X. Чор Туркистанда суд, шариат ва одат. –Т.: «Фан», 1967.
3. Б. А. Ахроров. Пора олганлик учун жавобгарлик. ТДЮИ, 2003.
4. Безнасюк А.С., Толкаченко А.А. Уголовные наказания военнослужащих: теория, законодательство, практика.
5. Боронбеков С. Современные уголовно-правовые системы и школы. Рязань, 1994.
6. Вихров А.А. Военно-уголовное право США – орудие реакции и войны.
7. Гребенников С.С. Уголовный процесс буржуазных государств, его реакционная сущность. М., 1978.
8. История государства и права зарубежных стран. М., 1999. Ч. 1.
9. Карев Д.С. Военно-уголовный процесс ва армиях буржуазных государств. М., 1949.
- 10.Крылова Н.Е., Серебренникова А.В. Уголовное право современных зарубежных стран (Англии, США, Франции, Германии). М., 1997.
- 11.Лавочкин В.О. Источники военно-уголовного законодательства Великобритании // Сб. статей. М., 1994.
- 12.Морис Обер. Вопрос о приказах старших войсковых начальников и ответственности командиров. МККК, 1997.
- 13.Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва хуқуқи тарихи. Т., Адолат, 2003.
- 14.Наумов А.А. Уголовное право. Обҳая часть: Курс лекций.
- 15.Преступления против военной службы: Учебник. М., 1999.
- 16.Расулов О.Х. Совет жиноят хукуки. Умумий қисм. –Т.: «Ўқитувчи», 1969.
- 17.Сулаймонова Х.С. История советского государства и права Узбекистана. Ўз ССР ФА нашриёти. Т.: 1960, II жилд.
- 18.Таганцев Н.С. Русское уголовное право. М., 1994. Т. 2.

- 19.ТДЮИ илмий мақолалари түплами. Б. Ахроров «Мансабдор ва масъул мансабдор тушунчаларини фарқлаш хусусиятлари ва ҳукуқий моҳиятлари».
- 20.Темур тузуклари. Т., 1991. «Faфур Ғулом» номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. Мулла Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистан.
- 21.Уголовное право США: Сборник нормативных актов. М., 1985.
- 22.Французский военно-уголовный кодекс о преступлениях и наказаниях. СПб., 1865.
- 23.Франция. Законў, относящиеся к военной юстиции / Пер. А.Каменского. М., 1937.
- 24.Шулепов Н.А. Военно-уголовное законодательство зарубежных стран // Уголовное право Российской Федерации.
- 25.Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. – Т., Адолат, 1997.

Норматив-ҳукуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси, – Т., Адолат, 2000.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги 2002 йил 12 декабрь Конуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги 2001 йил 11 май Конуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат низоми // Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий низомлари. - Т., Ўзбекистон, 1996.
6. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизом низоми // Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий низомлари. - Т., Ўзбекистон, 1996.

7. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Гарнizon ва қоровуллик хизматлари низоми // Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий низомлари. - Т., Ўзбекистон, 1996.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3-ноябрда қабул қилинган 498-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қурилиш мухандислик тузилмалари тўғрисида»ги Низом.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2000 йил 15 сентябрда қабул қилган «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 23-сон Қарор, 2.8-б. // ЎзР Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги Қарорлари.